

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҐАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (10.975)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзудаги энг яхши кўшиқлар ва мусиқий асарлар танловининг республика якуний босқичи голиблари аниқланди.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида Ўртағирчиқ туманида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ЎзМобайл» филиали коммутация маркази иш бошлади.

● Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида Навоий вилоятининг Хатирчи туманида пахта тозалаш заводининг янги биноси куриб битказилди. Бу ерда иккита 30 тонналик улкан тарози ва замонавий қайта ишлаш ускуналари ўрнатилди.

● Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида Ватанимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишлаб тасвири ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу кўргазмада таниқли рассомлар, уста-хунармандлар билан бирга тасвирий санъат соҳасига энди кириб келаётган ёш мусавирларнинг ижод намуналари билан ҳам танишиш мумкин.

● Хўжаобод туманининг чегара ҳудудида қад ростлаётган «Наврўз» номли янги маҳаллага илк оила кўчиб ўтди. Янги маҳаллада асосий курилиш ишлари якунланиб, ҳозирда газ ва ичимлик сувини келтириш учун қувур тортилмоқда. Янги маҳаллада турар жой бинолари билан биргаликда шифохона, савдо, маиший хизмат бинолари ҳам куриб битказилди.

● Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига шотокан каратэ-до бўйича терма жамоамиз аъзолари ажойиб совға ҳозирлашди. Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтган VIII жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик каратэчилар тўрттадан олтин ва кумуш медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўрнини эгаллашди.

● Тошкент вилояти, Қўбрай туманида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ва «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида фахрийлар ва ёшларнинг Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

● Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида Когон туманидаги 4-мактаб янгича қиёфа касб этди. Бу ерда 210 ўринли янги бино тикланиб, 620 ўринли бино капитал реконструкция қилинди.

● Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманида 540 ўринли Транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бу ерда спорт зали, кенг ва ёруғ синфхоналар билан бирга, узокдан қатнаб ўқийдиган ёшлар учун ўқувчилар яшаш жойи ҳам қурилди.

ЖАҐОНДА

● Кеча Туркиянинг янги Президенти Абдуллох Гул мамлакат Бош вазири Тоиф Эрдоган томонидан таклиф этилган ҳукуматнинг янги таркибини тасдиқлади.

● Кеча расмий Сеул билан келишувга мувофиқ Толибон ҳаракати вакиллари Қизил Хоч халқаро жамиятига Афғонистонда гаровга олинган 12 нафар Жанубий корейликларни топширди.

● АҚШнинг Лос-Анжелес аэропортида Alaska Airlines авиакомпаниясига қарашли 2 та Боинг-737 самолёти тўқнашиб кетди. Натижада битта самолётнинг қанотиغا шикаст етган бўлса, иккинчи самолётнинг орқа қисмидаги вертикал стабилизатор синиб кетган. Маълумотларга қараганда, тўқнашувдан ҳеч ким жароҳатланмаган.

● Кеча Греция пойтахти Афина шаҳридаги мамлакат парламенти ёнида кўп миң кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишга чиққанлар мамлакатда юз берган кучли ўрмон ёнғинларини бартараф этиш борасида етарлича ҳаракат қилмаган мамлакат ҳукуматини истеъфога чиқариш ва муддатидан олдин парламент сайловларини ўтказишни талаб қилди.

● Жаҳон бозорларида бугўдининг нархи ошиб кетди. Дунё савдо марказларидан бири — Чикаго бозорида бир бушлеб, яъни тахминан 30 килограмм бугўдининг нархи 7,5 доллардан юқорига кўтарилди. Бунга бугўдан биологик ёнилиги тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги ва қатор мамлакатларда юз берган қурғоқчилик асосий сабабдир.

● Боку марказида қад ростлаган янги кўп қаватли бионинг кулаб тушиши оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 10 кишига етди.

● Американинг NASA фазовий агентлиги Ой ва Марс учун парвозларга мўлжалланган Avs-1 янги элтувчи ракетанинг юқори босқичини тайёрлаш учун бош пудратчи сифатида «Боинг» корпорациясини танлади. Бу борадаги битимнинг умумий қиймати 1,13 миллиард долларни ташкил этади.

● Мексикалик қатор савдо марказларининг соҳиби Карлос Слим Элу «Майкрософт» компанияси раҳбари Билл Гейтсни ортда қолдириб, сайёрамизнинг энг бой кишилари рўйхатида биринчи ўрнига чиқди. Карлос Элу айни пайтда 67,8 миллиард долларлик сармоёга эга.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 29 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҐКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ РАШИД МЕРЕДОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қўтар экан, бугунги учрашув Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан далолат беришини тасдиқлади. Ўзбек ва туркман халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаб келди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари ўтказилди. Бугун Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар 1996 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда 2004 йили қўл қўйилган Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорлиқни ривожлантириш тўғрисидаги шартномалар руҳида ривожланмоқда.

МДҶнинг жорий йил июнь ойида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухаммедов учрашиб, ўзаро муносабатларнинг истиқболли, минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида 1996 йилдан буюн Узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳуқуқатлар битим амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 47 миллион, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса 32,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Икки томонлама савдода озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, органик ва ноорганик қиммат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, турли хилдаги асбоб-ускуна ва қурилмалар асосий ўрин тутди. Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам ўзаро ҳамкорликда тузилган қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Нефть-газ саноати ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг маданияти ва санъат намоёндалари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказилаётган фестивал ва кўргазмаларда, йирик конференциялар, симпозиум ва семинарларда мунтазам катнашиб келади. Туркменистон санъаткорлари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг домий иштирокчиларидир. Ўзбекистоннинг театр жамоалари, рақс ансамбли жорий йилнинг апрелида Ашхобода ўтган «Миллий фольклор ва театр санъати» халқаро фестивалида иштирок этди. Май-июнь ойларида Ашхобода Самарқанднинг 2750, Маргилоннинг 2000 йиллик юбилейларини нишонлаш доирасида «Ўзбекистон бадиий санъати — Мустақиллик даври» кўргазмаси ташкил қилинди. 1996 йилда Хивада туркман халқининг атоқли шоири Махтумқулининг ҳайкали очилгани ҳам диққатга сазовордир.

Оқсаройдаги учрашувда Рашид Мередов Туркменистон Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бу борда мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲУҚАРОПАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КЎЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кўчлари резервиге бўшатилин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг октябр-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга ярқоли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақирув мобайлида Қуролли Кўчлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақирув резервиге олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 29 август

ТУРКМАНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҐКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ Р.МЕРЕДОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ В.НОРОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқалар ўзаро манфаатдорлик асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мўҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболли юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҐИШЛАНГАН «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН—2007» КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА. БИР НЕЧА ЙИЛДАН БЎЁН АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН УШБУ ТАДБИРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН МАҐАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ МАҐСУЛОТЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

Кўргазмалар

ЮРТИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ НАМОЙИШИ

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган — 2007» кўргазмаси кузги кўргазмалар мавсумини бошлаб беради, десак хато қилмаймиз. Ушбу кўргазмада иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар, компания ва фирмалар ўзларининг кейинги йилларда эришган ютуқлари, яъни рақобатбардор ва сифатли, жаҳон андозалари даражасига жавоб берадиган экспортбоп маҳсулотлари ҳамда хизматларини кўрсатишмоқда. Кўргазма экспонатлари орасидан юртимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот намуналари, яъни автомобилсозлик ва самолётсозлик, қишлоқ хўжалик техникалари, саноат ва маиший электр жиҳоз ва ускуналари, телекоммуникация хизматлари ва халқ истеъмолчи товарлари ўрин олган бўлиб, уларни кўздан кечирган ҳар бир киши ушбу соҳаларда эришилган ютуқларга олиб борилаётган изланишларга яққол гувоҳ бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки,

мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлик рақобатбардор, импорт ўрнини, босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар нафақат ички бозорни таъминламоқда, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топмоқда. Буни рақамлар билан изоҳлайдиган бўлсак, жорий йилнинг ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан товарлар ва хизматлар экспорти 40 фоизга ўсганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Кўргазма экспозицияларини кўздан кечирар экансиз, «Ўзавтосаноат» акционерлик компанияси маҳсулотлари эътиборингизни тортиди, маҳаллий автомобилсозларнинг бугунги ютуқларидан фахрланасиз. Шунингдек, телевизор, аудио ва видеотехника, музлатгич ва кондиционерлар, турли юқори технология асосидаги техникалар сифати бугунги кун талабига тўла жавоб бериши билан ажралиб ту-

ради. «Ройсон электроникс» қўшма корхонаси, «Сино» акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарнинг ана шундай товарларига қизиқиш катта бўлмоқда. «Ўзқабель», «Дойче кабель АГ Тошкент», «Анджон-кабель», «Ўзэлектроаппарат-Электроникс», «УМТ-Радио» сингари корхоналарнинг халқаро андозалар даражасидаги электротехника ва радиоэлектроника товарлари, «Алюбонд Ройсон Билдинг технолоджи» шўъба корхонаси, «Алютекс», «Осиё батарея» қўшма корхоналари, «Техноинвест СТ» масъулият чекланган жамияти хорижий корхонаси, «EAST-KOLOR» масъулият чекланган жамияти ва бошқа жамоаларда тайёрланган замонавий қурилиш ва пардоз ашёлари, алюмин-композитли ҳамда пластик панеллар, поливинилхлоридли қувурлар, лок-бўёқ ва бошқа турли маҳсулотлар кўргазма экспозициясини бойитибгина қолмай, ташриф буорувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ОЗОДЛИК, МАРДЛИК ВА КЎЧ-ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ. БУНДАН ЕТТИ ЙИЛ МУҚАДДАМ — 2000 ЙИЛ 30 АВГУСТ КУНИ «ЖАЛОЛИДИН МАНГУБЕРДИ ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ.



Жалолиддин Мангуберди ордени билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт туپроғини химоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиқдек асрашда юксак ҳарбий меҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг муқофода қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланган.

Айни пайтга қадар Юртбошимиз фармонига биноан бир қатор ана шундай ҳамюртларимиз ушбу орден билан мукофотланган.

Жалолиддин Мангубердининг жангу жадаллар ичида кечган ҳаёти, кўрсатган мислсиз жасорати тарих саҳифаларига мангу муҳрланган. У юртимиз боқинчилар оёғи остида қолиб, салтанат парокандаликка юз тутган ўта мушкул пайтда Ватан озодлиги, шаъни ва шавқати йўлида мардонвор курашган.

Жасоратли бобомизнинг шонли ҳаёти ватанпарварлик, ҳурликнинг ёрқин наму-

Каска сатрларда

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Чоштепа» маҳалласида юртимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишлаб маҳалла фаоллари, ёшлари, фахрийлари иштирокида байрам тадбири ўтказилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «2-Қатортол» маҳалласида Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Мазнавият тарғибот марказининг туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Бу байрам-барчамизники, бутун халқимизники» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва Ўз мухбирларининг хабарларидан).

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ЭЗГУ ИШЛАР — ДИДГА МАЛҲАМ

МАМЛАКАТИМИЗДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ, ҲАР ТОМОНЛАМА КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, НОГИРОНЛАР ВА ЁЛғИЗ КЕКСАЛАРГА ЁРДАМ, МУҲТОЖЛАРГА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.



Кунни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг қарори, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Тошкент шаҳар касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий-иқтисодий томондан кўллаб-қувватлаш мақсадида санаторий ва санаторий-профилакторийларга бепул йўлланмалар ажратиш тўғрисидаги қўшма қарорига биноан тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга уруш ва меҳнат фахрийлари, со-

ҳада узоқ йиллар иш-ларини маданият хо-димлари, шифокор-лар ва шаҳар ободон-лаштириш бошқар-маси ишчилари таклиф этилиб жазми 103 ки-шига Энг улуг ва азиз

байрам арафасида «Оқшо», «Ботаника», «Бустон», «Зомин», «Турон», «Чортоқ» ва «Чинобод» каби санаторийларга йўлланмалар тантанали тарзда топширилди.

— Азиз ва ҳурматли отахон, онахонлар, узоқ йиллар юрт ривожига йўлида заҳматли меҳнат қилиб эндиликда фарзандлари, набиралари, қолаверса, эл ардоғида бўлган фахрийлар, барчангизни Энг улуг айтишимизнинг 16 йиллик қутлуг тўйи билан муबारакбод этамиз, — деди жумладан тадбирини очар экан Тошкент шаҳар ҳокимлиги котибиди мудири Зикрилла Асатов. — Яна узоқ йиллар соғу сало-

мат бўлиб бой ҳаётини тажрибангиздан ёш авлодни баҳраманд этиб юришингизга тилак-дошмиш. Кўп йиллик меҳнатларингиз самараси сифатида берилётган йўлланмаларни олиб санаторий-профилакторийларда яхши давола-ниб, саломатлигингизни тиклаб, мазмунли дам олиб келинг.

Биз бир гуруҳ фахрийлар даврасида бўлиб уларнинг дил сўзларини қозоғга туширдик.

— Сергели тумани ободонлаштириш бўлимида узоқ йиллардан бери ишлайман, 6 нафар фарзандим бор, — дейди Ҳавожон Бекназарова. — Кейинги йилларда оёғим кўп орғийдиган бўлиб қолган эди, мана «Чинобод» санаторийсига бепул йўланма беришди, бизни қадрлаган, ҳиммат кўрсатган ҳаммага раҳмат.

— Мен Яқкасарой туманида яшайман, — дейдилар Нафиса она Абдуллаева. — 33 йилдан бери ободонлаштириш бўлимида ишлайман. Кўчалар, маҳаллалар, хиббону бо-

лар озодлигига озми-кўпми ўзининг ҳис-самни қўшаман. Бешта фарзандимнинг бар-часи уйли-жойли, бола-чакали бўлиб ке-тишган. Камтарона меҳнатларимизни ҳисоб-га олган мутасаддиларга катта миннатдор-чилигимни билдираман. Насиб этса яна узоқ йиллар халқ хизматида бўлиб, бизга бил-дирилган ишончини оқлаймиш.

Мана шундай дил сўзларини Собир Раҳи-мов туманилик Комил ота Абдукаримов, Аб-думалик ота Абдуҳалилов, Чилнозор тумани-лик Уткир ота Файзиев, Сайдулла ота Раҳма-тов, Низом ота Аҳоров, 90 ёшни ортада қолдирган бўлсада тетик, ўқтам, юзларидан нур ёғилиб турган Аҳмадхон ота Жумаевлар билдириб, эл фаровонлиги, ободлигининг боқий бўлишини тилаб дуога қўл очдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: Тошкент шаҳар ҳокимлиги-да бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Козим Улмасов олган сурат

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ИНСОН СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИ, ИЖТИМОЙ МУҲОFAZACI, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ҚАТОРИДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛДИ. ХУСУСАН, АЁЛЛАРНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ, СОҒЛОМ ФАРЗАНДНИ ДУНЁГА КЕЛТИРИШ, БУНИНГ УЧУН ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, ОНА ВА БОЛАНИНГ ИЖТИМОЙ МУҲОFAZACI ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.

ТИББИЙ МАДАНИЯТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Маълумки, 2002 йилнинг 5 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорга мувофиқ оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишлари бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг мақсадли дастури ишлаб чиқилди. Аёллар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилишни кучайтиришнинг бир қатор комплекс чора-тадбирларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш давлат, жамоат, ҳуқуқматга қараши бўлмаган ташкилотлар ва тўқилмалар, барча даражадаги раҳбарларнинг асосий вазифалари сифатида белгилаб қўйилди.

Хусусан, ҳомиладор аёлларга ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун болалар ва туғруқ муассасаларини замонавий асосб-ускуналар билан босқичма-босқич жиҳозлаш, касалликлар белгиларини барвақт аниқлаш ҳамда ўсимир қизлар ва бола туғиш ёшидаги аёлларнинг экстрагенитал касалликларини давлат, аёлларнинг тиббий кўрсаткичларга зид бўлган исталмаган ҳомиладорлиги ҳолларининг олдини олиш, туғруқ муассасаларида камқонлик касали аниқланган барча ҳомиладор аёлларни темир моддасига бой препаратлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш, ёшларнинг репродуктив соғлиқ масалалари бўйича билимларини ва тиббий маданиятини ошириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишнинг, туғруқлар ўртасидаги мақбул ораликка риоя қилишнинг долзарблиги масалаларини аҳолининг кенг қатламларига етказиш ишларини тизимли ташкил қилиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Ушбу қарор қабул қилинганига мана беш йил бўлди. Утган вақт ичида кўпгина ишлар амалга оширилди. Аёллар саломатлиги йўлидаги қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг халқ оmmasига тушу-тиришда Оила маросимлари маркази ходимлари ҳам самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Дастурда белгилаб қўйилган вазифалар бўйича семинар йиғилишлари, маҳалла, корхона ва ўқув юртлиларга давра суҳбатлари, учрашувлар, «Оилада эр-хотиннинг бурчлари», «Фарзанд тарбияси — эртамиш кафолати», «Оилада тиббий савдонлик» каби мавзуларни қамраб олган қизиқарли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, марказ қосида ташкил этилган «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактаби машғулотларида олимлар, тиббий ходимлар диний идора хо-димлари ва соҳа мутахассисларининг шу мавзуда-ги маърузалари, кўрик-танловлар ташкил этилмоқ-да. Мактаб ўқувчилари ўзларига керакли маълум-лотларни олиб, ҳаёт тажрибаларини ошириб кел-моқдалар. Қилинган ишлар ўз натижасини бер-моқда. Утган йили барча никоҳланувчи ёшлар мар-каз йўлланмаси билан тиббий кўриқдан ўтказилди. Аниқланган касалликларни бор ёшлар эса давола-нишга тавсия этилди. Статистик маълумотларга қараганда туғиш ёшидаги аёллар ва болалар ўлими сезиларли даражада камайган. Бунда албатта тиб-биёт муассасаларининг қайта таъмирланиб, замо-навий асосб-ускуналар билан жиҳозланаётгани, янги, бугунги кун талабига жавоб берадиган ка-салхона, шифохона ва коллежаларнинг қурилиб фойдаланишига тоаширилаётгани эл соғлигини ти-клашга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар соғлигини мус-таҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарби-ялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маса-лалари доимо мустақил Республикаимиз раҳбария-ти ва ҳукуматининг эътиборида бўлиб келмоқда. Шундай экан, шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсон ҳам бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қў-шишини унутмаслиги керак.

Муъассархон ИСМАТУЛЛАЕВА, Оила маросимлари марказининг 2-тоифали иш юритувчи котиби

МУСО ЖАЪФАР БИН ҲАССАН:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ЁРҚИН, КЕЛАЖАҚИ БУЮҚДИР

САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИК ТЎЙИ, «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ҲАМДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИКА ФЕСТИВАЛИ — БУЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҚАДРИЯТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚАРО МИКЎСАДА ЎТКАЗИЛГАН ВА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАНТАНАЛАРДИР. ЎЗА МУХБИРИ УШБУ АНЖУМАНЛАРНИНГ ФАОЛ ҚАТНАШЧИСИ — ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РАИСИ МУСО ЖАЪФАР БИН ҲАССАН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ:

— Ўзбекистоннинг тарихи бой, бугуни ёрқин, келажақи буюқдир, — дейди муҳаббат. — Ушбу муқаддас заминда камолга етган, оламшумул кашфиёт-лари билан жаҳонга танилган ўнлаб буюқ мутафаккирлар ўзининг бой ил-ми-маънавий ва маданий мероси билан дунё цивилизацияси ривожига эзгу ишларини бугунги авлоди муносиб давом эттирмоқда.

Ҳар гал Самарқандга келганимда бетакрор тарихий обидалар ва муқад-дас қадамжоларни зиёрат қилиб, ру-ҳим янада кўтарилди. «Ер юзининг сайқали» номи билан машҳур қа-димий ва ҳамиша навқирон Самарқанд азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму маърифат марказларидан бири бўлган. Бу ердаги мадрасаларда ду-нённинг турли бурчакларидан келган толиби илмлар таҳсил олган. Дунёда

Самарқанддек шаҳарлар кам эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу муқад-дас шаҳар инсоният бунёдкорлиги, ақлу заковати, тафаккури тимсолидир.

Истиқлол йилларида Самарқанднинг жаҳонаро шuhrати янада юксалиб бор-моқда. «Шарқ гавҳари»да Президент Исрол Каримов раҳнамолигида амал-га оширилган ишлар мени ҳайратда қолдирди. Бу янгиликлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, та-факкур қудрати, истеъдод ва маҳора-тининг яна бир намояндивиди.

— «Шарқ тароналари» олтинчи хал-қаро мусика фестивали ҳақидаги та-ассуротларингиз?

— Фестивалнинг очилиш мароси-мида иштирок этганимдан гоят мам-нунман. Мафтункор куй-қўшиқларин-гиз, жозибали рақсларингиздан кат-та завқ-шавқ олдим. Гўзаллик ва на-фосатни ўзида мужжасам этган ўзбек наволарининг, юракни жунбушга кел-тирувчи рақсларининг жаҳон мусика-санъатида алоҳида ўрни бор.

Инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этувчи ушбу анъа-навий фестивал жаҳон халқларининг мусикий меросини тарғиб этиш ва ри-вожлантиришга хизмат қилиб келмоқ-да. Санъат, ҳусусан, мусика тили, ма-данияти, миллий қадриятлари ранг-баранг миллат ва элатларни бир-би-рига яқинлаштириш ва бирлаштири-ди. Фестиваль иштирокчиларининг йўли сайин кўпаяётгани дунёда унинг нуфуси ошиб бораётганидан далолат-дир.

— ISESCO томонидан Тошкент шаҳ-ри 2007 йилда ислом маданияти пой-тахти деб эълон қилинди...

— Бу бежиз эмас. Ўзбекистон пой-тахти бу шарафга ҳар томонлама му-

носибдир. «Ўзбекистоннинг ислом ци-вилзацияси ривожига қўшган ҳисса-си» мавзудаги халқаро конференция нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё халқлари маънавий ҳаётда катта воқеа бўлди. Форум иштирокчилари мамлакатингизда Президент Исрол Каримов раҳнамолигида диний бағри-кенглик ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий-маданий қадри-ятларни тиклаш ва ривожлантириш, ажодлар меросини ўрганиш, муқад-дас қадамжоларни таъмирлаш ва обо-донлаштириш борасида амалга оши-рилган ишларга юксак баҳо берди-лар. Ўзбек халқининг бой мероси би-лан янада яқин танишиш имконини берган бу анжуман динлар ва ци-вилзациялараро мулоқот, ҳамкорлик ва ишонч мустаҳкамлашишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари ўзининг ислом маданияти ва цивили-зацияси билан боғлиқ обидалари би-лан катта шuhrат қозонган. Бу замин дунёга Маҳмуд Замашқарий, Имом Бу-хорий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Рай-ҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний каби жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюқ му-тафаккирларини берган. Улар қолдир-ган мерос халқингизнинг жаҳон аҳли-га бебаҳо инъомидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ва раҳбариятини Мустақил-лик айтими билан муबारакбод этаман. Мамлакатингизга тараққиёт, халқин-гизга фаровонлик тилайман. Бахт, тинчлик ва оқойишталик доимо ҳам-роҳингиз бўлсин.


ЎЗА МУХБИРИ НОДИРА МАНЗУРОВА СУҲБАТЛАШДИ.

ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЯНГИ-ЯНГИ КОРХОНАЛАРНИ БУНЁД ЭТИШ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ ЯҲШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН. БУ ЙИЛГИ ИСТИҚЛОЛ ШОБИНАЛАРИ КУНЛАРИДА ҲАМ АНА ШУ АНЪАНАГА СОДИҚ ҲОЛДА БИР НЕЧТА КОРХОНАНИНГ ИШ БОШЛАШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

Ана шундай корхоналардан бири — маъсулоти чекланган жамияти кўринишидаги «ARCTECH technology» хори-жий корхонаси қурилиши 2004 йилда бошланган эди. Айни ҳанда эса қурилиш-ти-лаш ҳамда корхона цехлари-ни замонавий ускуна ва жи-ҳозлар билан таъминлаш иш-лари якунланяпти. Демак, ушбу цехларнинг махсу-лот бера бошлашига яқин кунлар қолди.

—Худди шундай, — дейди корхона бош директори Ба-ттал Мерал айти кунлардаги ишлар ва корхона фаолияти ҳусусида тўхталар экан. —Ав-вало, ушбу корхонани Ўзбеки-стон —Туркия давлатлари икти-содий ҳамкорлигининг самар-аси эканлигини алоҳида таъ-кидлаб ўтмоқчиман. Туркияда машҳур саналган «ARCTECH» компанияси 1993 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, рақобатбардор электр пай-вандлаш махсулотлари билан кўплаб давлатларда таниқли-ди. 1997 йилдан буйён Мар-казий Осиёда ўз корхонаси филиалини очигна ҳаракат бошлаган ушбу компания бе-жиз Ўзбекистонни танлагани йўқ. Қардош ва мустақил ушбу юрда хорижий инвесторлар

ДИҚҚАТ: ЯНГИ КОРХОНА ПАЙВАНДЛАШ УСКУНАЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ



учун қулай шарт-шароитлар, кўплаб-қувватлашлар мавжуд. Шунингдек, маҳаллий хом ашё бу ўлкада ишлаб чиқар-иш учун етарлидир.

Пойтахтдаги корхонамиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами кунлари-да иш бошлаб, у Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича электрод ва пайванд-лаш ускуналари тайёрлаш бўйича энг катта завод бўла-ди. Бунинг учун Туркия томо-нидан 24-28 миллион доллар-лик инвестиция киритилиши кўзда тутилган бўлиб, шунинг 14 миллион долларлиги юк-сак унумли хорижий линия ва дастгоҳларидир. Корхонада ишлаб чиқариладиган махсу-лотлар оғир саноят тармоқ-ларида ва бунёдкорликда, са-молётсозликда қўл келади.

Корхона махсулотлари, яъни ишлаб чиқарилиши ре-жаланган электрод, пайванд-лаш ускунаси ва пайвандлаш симларига нафақат ички бо-жиз зорда, балки Ҳамдўстлик дав-латлари бозорида ҳам талаб юқори. Ушбу махсулотларнинг

200га яқин хиллари тайёрла-надиган хорижий корхонада 3 та цех фаолият кўрсатиб, улар Италия ва Туркия дастгоҳ ҳамда ускуналари билан жи-ҳозланган. Илк фаолиятини 50 нафар пухта тайёрланган ма-лакали кадрлар билан бош-лайдиган махсулот мажмуи 200 нафарга етади. Махсулотнинг 90 фоизи Афғонистон Эрон ва бошқа қўшни давлатларга эк-спорт қилинади. Завод тўла қувват билан ишлаганда кунига 30-40 тонна электрод, 50 тонна пайвандлаш симлари ишлаб чиқариш имконияти мав-жуд. 95 фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлайдиган кор-хонанинг асосий ҳамкорлари —Олмалик, Бекобод металлур-гия комбинатларидир.

Корхона салкам 5 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, идора ва ишлаб чиқариш цех-ларидан ташқари ишчи-хиз-матчиларга қатор қўлайликлар ҳам кўзда тутилган. Улар учун спорт мажмуиси, сузтиш ҳав-ласи, шинам ошхона, тиббиёт пункти хизмати йўлга қўйила-

ди. Машғулот хонаси ташкил этилган бўлиб, малакали кад-рларни ўқитиб, ишлаб чиқар-ишга жабб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида айтиш ло-зимки, ушбу лойиҳанинг кей-инги босқичларида махсулот турларини кўпайтиришга ало-ҳида эътибор қаратилади. Мих ҳамда алюмин ишлаб чиқариш цехлари иш бошлайдиган, метал-дан турли хилдаги панжара-лар тайёрлаш йўлга қўйилади.

— Асосий мақсадимиз— дўстлик ҳамкорлик, ривожла-ниш ва янгиликлар яратиш,— дейди корхона бош директо-ри.—Биз ўз сармомиямининг фойда олиб кетиш учун эмас, ривожланиш учун хизмат қилишини истаймиш. Маҳаллий аҳолини иш билан таъмин-лашга катта ҳисса қўшамиз. Энг муҳими сифати ва рақо-батбардор махсулотларимиз буюртмачилар талабини қон-диради.

Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА: янги кор-хона яқинда ўз фаолиятини бошлайди.

31 август—Қатағон қўрбонларини ёд этиш ку- ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИМIZ РАҲНАМОЛИГИДА ТАРИХИЙ АДОЛАТНИ ТИКЛАШ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ЙИЛЛАРИДА БЕГУНОХ КҮРБЕ БЎЛГАНЛАР, «ХАЛҚ ДУШМАНИ» СИФАТИДА ҚАТАҒОН ЭТИЛГАНЛАРНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув дарёси диди мустабид тузум томонидан ноҳақ айбланган ва э-ланган ота-боболаримизни учта қатлгоҳда қатл эти-ти 2000 йил Юртбошимиз ташаббуслари билан қатағон болари бўлиш беғунох ватандошларимиз хотираси-ғи гийлаб шу ҳудудда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги муи барпо этилди.

Ёдгорлиқнинг очилиш маросимида Президент Исрол Каримов: «Бу зиёратгоҳи биз қатағон қўрбони бў-лган олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Б-дий, Мунаввар Қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Аҳрорий, Ботў, Исоқхон Ибрат, Ёлбек сингари к-ватандошларимизнинг ҳам рамзий мазори сифатида қилмоғимиз керак, деб ўйлайман. Мана шу жойдаги лаб инсонларнинг шу кунгача чиқариб ётган руҳи-и



ри бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб ором топан бўлса ажаб эмас», — дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, қарийб 16,5 гектар майдонни эгаллаган ё-лик мажмуи катта маҳорат билан бунёд этилган. Очиқ базли сағана ён-атрофга ўзгача салобат ва кўрк бағи турибди. Унинг баландлиги 27 метр бўлиб, узоқла-хам кўзга ташланиб туради. Президентимизнинг 2001-1 майдаги «Қатағон қўрбонларини ёд этиш кунини б-лаш тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил этилган ва йил 31 август кунини ўз фаолиятини бошлаган «Қатағон болари» музейи республикамиздаги энг ноёб ин-ҳисобланади. Ушбу музейда қатағон даври тарихини эътиборга 7 та бўлим мавжуд. Бундан ташқари ўша да-ифодоларчи буюмлар, либослар, қатағон қўрбонларинг-ийшли жиҳозлар ва шахсий буюмлар ўрин олган. Шу-дек, музейда ҳужжатли фильмлар намойиши учун мон-тергов ўтказилган хона ва қамқоқона макетлари, 11 ой-витрина зиёратчиларда катта қизиқиш ўйғотади. Кито-суратлар, харита, ўша давр фojeжалари ҳақида ҳикоя и-ётгандай гўё.

Ўтмишда минглаб зиёлилар, халқимизнинг фидойи-зандлари мустабид тузум қўрбонлари бўлганлигини (барчамиз яхши биламиш. Улар халқини ўз ҳақ-ҳуқуқда танишга даъват этганлари, яхши яшашга, маърифатли бў-га ундаганлари учун беайиб, беғунох қўрбон бўлганлар.)нинг порлоқ хотиралари эса халқимиз онгида, шуу абадул-абад мангу яшайди.

Гулчехра ДУРДУ

ЮРТИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, ҳар доимгидек «Чкалов номили Тошкент ави-ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жа-тининг кўргазма стендидан ўрин олган «Ил-76 ва Ил-авиалайнерларнинг турли моделлари иштирокчилар қатничи жабб этиши табиий ҳол.

Айтиш жоизки, йил сайин кўргазма иштирокчилари сафи кенгайиб, шунинг баробарида улар томонидан та-ланаётган махсулот турлари, сифати ортомқда, това кўриниши ва қадоклашишга эътибор кучайтмоқда. Бу-датта, экспорт ҳажми ортишида, иқтисодий ривожиди моқли ўрин тутди. Кўплаб корхоналар ташқи бозори товарлари билан фаол кириб бораётгани кувонарлидир.

— Махсулотларимиз тури йил сайин ортиб бормоқ-деди Самарқанддаги «Sino» акциядорлик жамияти м-жери Анвар Нуриев. — Жорий йилда 2 ва 3 камерали латкичларни ишлаб чиқаряпмиз. Сертификатланган махсулотларимиз ISO 9001-2000 ва ISO 140001-1996) аро сифат ҳамда экология стандартлари талабларига ж-берилади. Республикаимиз вилоятларда 20 та дилерлик ма-дўқонларимиз фаолиятини йўлга қўйганмиш. Ҳозирд-турдаги музлатич, 3 хил кондиционер, 15 турдаги дў-лар учун совутич ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қў-миш. Мақсадимиз ички бозорда мўқим ўринга эга бў-четдан келтириладиган товарлардан қолтирмайдиган ма-лотларни ишлаб чиқаришга эришишдир.

— Жорий йилнинг 8 ойида 50 турдаги янги хил би-идиш ва қандилар тайёрлашга муваффақ бўлдик, — ди «Оникс» акциядорлик жамияти директорининг иқтисо-масалалари бўйича ўринбосари Абубакир Усқенов. миллирда сўмликдан зиёд махсулот ишлаб чиқардик. ! келгусида махсулот сифатини янада ошириш мақсад-Чехиядан янги ливма келтиришни режалаш турибмиш. лаб чиқаришни автоматлаштиришни амалга ошириши ми-миз бор.

Кўргазмага ташриф буюрганлар орасида хорижлик мон-лар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги фе-лод ва мутор элчилари, элчихоналар вакиллари ҳам «Оникс» махсулотларига қизиқиш билдирган ва шарт-тузиш истагида бўлган Қозғоғистоннинг юртимиздаги э-хонаси вакили Мелсат Ҳалимовни суҳбатга тортиди.

— Ўзбекистонда иқтисодий ривожига, кичик бизне-хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-қувват-га катта аҳамият қаратилаётганининг доимий гувоҳима-деди у. — Ушбу кўргазмаи кузатар эканман, ўтган йил-нисбатан анағина ўсиш, янгиликларни кўрдим, юту-қуп. Маъзур кўргазманинг анъанавий тарзда ўтказилиши республика ҳукуматининг ишлаб чиқарувчиларга катта э-бори, ишончи, кўллаб-қувватлаши далолатидир. Энг-сийси махсулот ва хизматлар жаҳон андозалари талаб-га жавоб беради.

Республика ишлаб чиқарувчиларининг муваффақия-маҳоратлари намойиши бўлган ушбу кўргазма Энг а-энг улуг байрам олдидан ватандошларимизга ажойиб с-бўлади. Имзоланган муҳим шартномалар, келишу-ҳамкорликлар келгуси муваффақиятларга гаров бўлиши-гиликларга ундаши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЭС СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Наталья Семёнова олган сурат

**ЖАННАТМАКОН ДИЁР — ЎЗБЕКИСТОН
ПОЙТАХТИ АҲЛИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ
МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
16 ЙИЛЛИГИ**



*байрам билан дилда эзу
тилаклар ила қутлаймиз.*

*Турмушимиз фаровон, дастурхонимиз
тўкин, кўнчилиларимиз шод бўлсин.
Улуғ айёمنىнг хуш кайфияти
хонадонларимизни ҳеч қачон тарк этмасин.*

**«Тошбозор тайёрлов савдо»
уюшмаси жамоаси**



**АЗИЗ
ҲАМШАҲАРЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!**



*Барчангизни энг улуғ ва азиз
байрамимиз — Мустиқиллигимизнинг
16 йиллиги шодиёналари билан дилада
самимий тилакларни изҳор этган ҳолда
қутлаймиз.*

*Оилавий бахт, ишларингизда омад,
йўлларингиз равон ва турмушингиз
фаровон бўлишига тилақдошимиз.*

**«Тошавтобустрас»
акциядорлик компанияси жамоаси**



**Қадри юрдошлар,
пойтахтимиз меҳмонлари!**



*Сиз азизларни улуғ байрам —
Мустиқиллигимизнинг 16 йиллик қутлуғ
тўйи билан муборакбод этамиз.
Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
дастурхонларимиз тўкин бўлсин.
Диёримиз бунданда яшнаб, камол топсин!*

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ
ШИРКАТЛАРИ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**



**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ
СИЗ АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**



*Энг қиз, энг азиз шодиёна шукҳи
баргамизни ҳеч қачон тарк этмасин!*
**СИЗЛАРНИ «В», «ВС», «С»
ҲАЙДОВЧИЛИК КУРСЛАРИГА
ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!**

**Мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар»**

**ташкilotи Яккасарой туман
Кенгаши ва ўқув спорт-
техника клуби жамоаси**

ХИЗМАТЛАР АНЦСИЗЛАДИГА АП

СП ОАО «O`ZKABEL»

*Лидер по производству качественной
кабельно-проводниковой продукции
в Средней Азии поздравляет всех жителей
Узбекистана с 16-летием Независимости!
Желает благополучия, здоровья и
дальнейшего процветания!*



Республика Узбекистан, 100041, ул. Ф.Ходжаева, 2.
Тел./факс: (+99871) 162 02 86, 162 13 33.

www.uzkabel.uz

Тошкент сиртиқшироғи

**АЗИЗ
ҲАМШАҲАРЛАР,
ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!**

«ИФФАТЛИ КЕЛИН»

ўқув маркази жамоаси

барчангизни Энг улуг байрамимиз —

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ

16 йиллиги

билан самимий
қутлайди.

Сизларга сўхат-саломатлик, узок умр, ўқинишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.



*Мустақиллик кўёши
Ватанимиз узра
ҳамиша порлаб
турсин,
хонадонларимиз
қувонга тўрсин!*



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚАДРЛИ МЕҲМОНЛАРИНИ, БАРЧА ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ

шарафли айём —

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

табриклаш бахтига мўъассар бўлганимиздан чексиз бахтиёрмиз. Ҳар бир меҳнат жамоасининг ишларига ривож, изланишларига омад, оилаларига улкан бахт, фарзандларига юксак камолот тилаймиз. Мамлакатимиз ҳамيشа пуллаб-яшнайсин, озодлик байрами баланд ҳилпирасин!

«ВЕК-STROY-GLOBAL» хусусий корхонаси жамоаси



«АВТОУСТОЗ»

Ўқув комбинати автомобиль бошқаришни ўргатувчи уста ла-возимига ҳайдовчиларни ишга тақлиф қилади
ТЕЛ: 117-19-52

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда ижарага бераман. 157-62-48, 332-64-65.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси жамоаси ҳудудий бошқарма бошлиғи Исмоил Иножонович Сотиболдиевга волидаи муҳтарамаси **ГУЛНИССО** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 706

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2875 нусхада босилди.
Қозғоқ битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6